

А Ж Р И М

2023 йил декабрь ойининг 21 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг очик сайёр суд мажлиси Фарғона тумани Кончилар м.ф.й. биносида бўлиб,

Раислик қилувчи А.Эргашев,

судья ёрдамчиси П.Джўраевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона тумани прокурори ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи С.Хакимов, жабрланувчи П.Тўраев ва судланувчи В.Абрамовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан Абрамов Валерий Александровични айблаш ҳақидаги 1-1502-2301/450-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Абрамов Валерий Александрович (Abramov Valeriy Aleksandrovich) - 2001 йил 28 ноябрь куни Фарғона вилояти, Фарғона шаҳрида туғилган, миллати рус (*ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматида муҳтож эмас*), Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, ишламайди, муқаддам судланмаган, Фарғона тумани, Кончилар маҳалла фуқаролар йиғини, Махтумкули кўчаси, 1-уй, 11-хонадонда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 5 ноябрь куни олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи В.Абрамов ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида Тўраев Пайзулло Топволдиевични “ВАЗ 21011” русумли 40 L 178 ЕА давлат белгили автомашинасини сотаётганлигидан хабар топиб, 2023 йил 5 май куни П.Тўраевнинг яшаш хонадонига бориб, унинг ишончига кириб, у билан ушбу автомашинасини пулини 2023 йил 5 июнь кунига қадар бериш шарти билан 7.500.000 сўмга сотиб олиб, автомашинани бошқа шахсга 2.500.000 сотиб, пулларини эҳтиёжларига сарфлаган.

Дастлабки тергов органи томонидан В.Абрамов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Жабрланувчи П.Тўраев судга ариза билан мурожаат қилиб, ҳозирда у судланувчи В.Абрамов билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.



Судланувчи В.Абрамов судга ариза билан мурожаат этиб, айбига тўлик икдорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчи П.Тўраев билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарарни тўлик қоплаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, унга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд, судланувчи В.Абрамов ва жабрланувчи П.Тўраевнинг ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, прокурор ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи С.Ҳакимовнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, мазкур жиноят ишини тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини тугатишни ва В.Абрамовга нисбатан қўлланилган муносиб ҳуққ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни, шунингдек жабрланувчи П.Тўраевга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган Абрамов Валерий Александрович (Abramov Valeriy Aleksandrovich)га нисбатан ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, унга оид жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилиб, у жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи П.Тўраевга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

В.Абрамовга нисбатан қўлланилган муносиб ҳуққ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига хусусий шикоят қилишга, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Эргашев

нусхаси аслига тўғри,

